

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ
№115/01/01

2022 йил 26.01.

Кўкон шахри

Кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталадиган “MISTER BAL” МЧЖ рахбари номидан Уставга асосан иш кўрувчи директор Б.М.Сайибназаров, бир тарафдан ва кейинги ўринларда “Харидор” деб аталадиган, САРКТУЛЕ номидан Уставга асосан иш кўрувчи Усманов О.С., иккинчи тарафдан, биргаликда “Тарафлар” деб аталувчилар, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА БАҲОСИ

1.1. “Етказиб берувчи” мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган маҳсулотни етказиб бериш, шартномада белгиланган шартлар ва муддатларда техник хизмат кўрсатиш, “Харидор”нинг компьютерига махсус Дастур ўрнатиш ва ундан фойдаланишни ўргатиш мажбуриятини, “Харидор” эса маҳсулотларни ҳамда кўрсатилган техник хизматни қабул қилиш ва улар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. “Етказиб берувчи” мазкур шартномага асосан “Харидор”га қуйидаги маҳсулотларни етказиб беради ва техник хизмат кўрсатади:

N	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС қиймати (15%)	Етказиб беришнинг умумий қиймати ҚҚС билан
1	Радиологик тиббиёт плёнкаси DIFI modeli BAL 21X29cm (1 пачка 100 дона)	Пачка	10	654 300		0	6 543 000

1.2.1. Шартноманинг умумий суммаси 6 543 000 (шестьсот соро три тысячи) сўмни ташкил қилади.

1.2.2. Мазкур шартнома бўйича Махсус принтер аппарати ва компьютерга ўрнатиладиган махсус Дастур “Етказиб берувчи” томонидан “Харидор”га шартнома амал қилиш муддати давомида бепул фойдаланиш учун берилади. Шартнома бекор қилинган ва келгусида ушбу маҳсулотлардан фойдаланмайдиган ҳолларда “Харидор” ушбу маҳсулотларни “Етказиб берувчи”га қайтариб бериши шарт.

1.3. Мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган махсус принтер аппарати “Харидор”га шартноманинг бутун амал қилиш муддатида вақтинча фойдаланиш учун берилади ва ушбу махсус принтер “Етказиб берувчи”нинг мулки ҳисобланади. Махсус принтер аппарати “Харидор”нинг айби билан бузилган ёки унга шикаст етказилган тақдирда, зарар “Харидор” томонидан тўлиқ қопланади.

1.4. “Етказиб берувчи” “Харидор”га вақтинча фойдаланиш учун берилган махсус принтер аппаратга шартноманинг бутун амал қилиш муддати давомида “Харидор”нинг талабига кўра ўз ҳисобидан техник хизмат кўрсатади, махсус принтер аппаратини таъмирлайди, унга мос тушадиган бўёқлар билан тўлдиради.

1.5. “Харидор” “Етказиб берувчи” билан шартномани келишиб, имзолагандан кейин “Харидор” рентген пленкаларни бошқа етказиб берувчилардан харид қилмаслик (қарзга ёки текинга олмаслик) мажбуриятини олади. Ушбу мажбурият бажарилмаган ёки қисман бажарилган тақдирда “Харидор” ушбу шартноманинг 5.4.-бандида белгиланган жаримани тўлайди.

1.6. “Етказиб берувчи” “Харидор”га принтердан ҳамда компьютерга ўрнатиладиган махсус Дастурдан фойдаланишни бепул ўргатилади ва дастурга кириш ва фойдаланиш учун унга уникал логин ва пароль берилади. Ушбу махсус Дастур “Етказиб берувчи”нинг мулки ҳисобланади. Фойдаланишни ўргатиш натижалари тўғрисида “бажарилган ишлар ҳақида далолатнома” расмийлаштирилади. Махсус Дастурини фойдаланиш жараёнида Дастур учинчи шахсларга берилганда (кўчириб бериш, дубликат қилиш ва х.к.) “Харидор”га махсус Дастурга кириш учун берилган логин ва пароллар блокланади ва дастурга кириш имконияти бўлмайди. Махсус Дастурга

қайта уланиш учун “Харидор” ушбу шартноманинг 5.5-бандида кўрсатилган тартибда жарима тўлайди.

2. ТЎЛОВ ШАКЛИ ВА ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган маҳсулот учун тўлов, шартнома тузилган пайтдан бошлаб 5 (беш) кун ичида шартноманинг умумий суммасидан ёки олинаётган партиядан 15 % (ўн беш фоиз) миқдорида олдиндан тўлов шартлари асосида амалга оширилади.

2.2. Шартноманинг умумий суммасидан ёки олиб кетилган партиядан қолган 85 % (фоиз) миқдоридаги тўловлар маҳсулотни қабул қилиб олгандан кейин 30 (ўттиз) кун ичида амалга оширилади.

2.3. Тўловни амалга ошириш “Етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига пул кўчириш ёки нақд пул тўлаш шаклида амалга оширилади.

2.4. Тўлов кечиктирилган тақдирда “Етказиб берувчи” шартномани бир тарафлама тартибда бекор қилиш ва маҳсулотни бошқа харидорга сотиш ҳуқуқига эга бўлади.

2.5. Маҳсулот сифати ва нави бўйича “Харидор”ни қаноатлантирмаган тақдирда “Харидор” шартноманинг бажарилган қисми бўйича ўзаро тўлиқ ҳисоб-китобларни амалга оширган ҳолда шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

2.6. Агар Тарафлар томонидан ушбу шартнома имзоланган санадан бошлаб 30 иш куни мобайнида пул маблағлари “Етказиб берувчи”нинг ҳисобварағига келиб тушмаса, шартнома бажарилмаган ҳисобланади ва “Етказиб берувчи” зиммасига олган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади.

3. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҲАМДА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУДДАТЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш мазкур шартномани имзолаган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш куни мобайнида амалга оширилади, маҳсулот муддатида олдин етказиб берилиши ҳам мумкин.

3.2. Етказиб бериш шартлари – “Етказиб берувчи” “Харидор”нинг реквизитларида ёки алоҳида хатда кўрсатилган манзил бўйича етказиб берилади.

3.3. Маҳсулот “Харидор”га топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат этиб ҳисоб-варақ фактура ҳисобланади.

3.4. Маҳсулотларни олишда “Харидор” унинг сонини, бутлигини, етказиб бериш сифатини “Етказиб берувчи”нинг иштирокида текшириши шарт, маҳсулотларни қабул қилгандан сўнг маҳсулотнинг бутлиги учун жавобгарлик “Харидор”га ўтади.

3.5. Маҳсулот қабул қилиб олингандан кейин, “Харидор” маҳсулот олинган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш куни ичида маҳсулотнинг сифатини текшириши керак.

3.6. “Харидор” томонидан “Етказиб берувчи”нинг манзили (телеграм, телефон, электрон почта)га йўллаган техник ёрдам сўраш ҳақидаги ёзма хатига асосан, хат келиб тушган кундан эътиборан 3 (уч) иш куни мобайнида “Етказиб берувчи” махсус принтер аппаратида ҳамда махсус Дастурга техник хизмат кўрсатади. Техник хизматга принтер аппаратини “Харидор”нинг айби билан содир бўлмаган техник тузатишларни бартараф этиш, буёқлар билан тўлдириб туриш, махсус принтернинг нормал ишлашини таъминлаш ва профилактик хизматларни амалга ошириш, шунингдек ўрнатилган махсус Дастурни тўғри ишлашни таъминлаш киради.

3.7. “Етказиб берувчи” мазкур шартнома бўйича “Харидор”нинг масъул ходимида принтер аппаратида фойдаланишни ўргатади. Зарурат туғилганда “Харидор”нинг талабига биноан бошқа ходимида ҳам фойдаланиш тартибини ўргатади.

4. МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТИ

4.1. Маҳсулот сифати ЎзРда амалда бўлган маҳсулотларнинг мазкур гуруҳи учун мўлжалланган стандартларга мувофиқ бўлиши ва етказиб берилаётган маҳсулот сифат мувофиқлик сертификатида эга бўлиши керак.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тарафлар ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда ЎзРнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

5.2. “Етказиб берувчи” томонидан етказиб бериш муддатлари бузилган тақдирда, “Етказиб берувчи” кечиктирилган ҳар бир кун учун вақтида етказиб берилмаган маҳсулотнинг қийматидан 0,1 % (фоиз), бироқ етказилмаган маҳсулот суммасининг 50 % (фоиз)дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. “Харидор” томонидан тўлов муддатлари бузилган тақдирда “Харидор” кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,1 % (фоиз), бироқ пенянинг умумий миқдори тўланмаган сумманинг 50 % (фоиз)дан ортиқ бўлмаган миқдорда неустойка тўлайди.

5.4. “Харидор” “Етказиб берувчи” билан шартномани имзолагандан кейин “Етказиб берувчи” томонидан етказиб берилган принтер ва бўёқларни ишлатиб ҳамда кўрсатилаётган техник хизматлардан фойдаланиб “Етказиб берувчи”нинг ёзма розилигисиз бошқа етказиб берувчининг рентген пленкаларини ишлатган тақдирда “Харидор” ушбу шартноманинг умумий қиймати (шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган сумма) миқдорида “Етказиб берувчи”га жарима тўлайди.

5.5. “Харидор” “Етказиб берувчи” билан шартномани имзолагандан кейин “Етказиб берувчи” томонидан “Харидор”нинг компютерига ўрнатиб берилган махсус Дастурини фойдаланиш учун учинчи шахсларга берганда (кўчириб бериш, дубликат қилиш) “Харидор”га махсус Дастурга кириш учун берилган логин ва пароллар блокланади ва дастурга кирмайди. Қайта уланиш учун “Харидор” ушбу шартноманинг умумий қийматининг 10 баравари миқдорида “Етказиб берувчи”га жарима тўлайди.

5.6. Махсус принтер аппарати “Харидор”нинг айби билан бузилган ёки унга шикаст етказилган тақдирда, “Етказиб берувчи” томонидан зарар ҳисобланади ва “Харидор” ушбу зарарни тўлиқ қоплайди.

5.7. Маҳсулотлар шартномада белгиланган етказиб бериш муддатларида “Етказиб берувчи” томонидан етказиб берилганда уларни қабул қилиб олишдан асоссиз бош тортганлик учун, “Харидор” вақтида олинмаган маҳсулотлар қийматининг 5 % (фоиз) миқдорида “Етказиб берувчи”га жарима тўлайди.

5.8. “Етказиб берувчи” томонидан етказиб берилмаган маҳсулот учун олдиндан тўланган 15 % тўловни “Харидор”га қайтаради.

5.9. “Етказиб берувчи” томонидан сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулот етказиб берилган тақдирда “Харидор” ушбу маҳсулотни “Етказиб берувчи”га қайтаришга ва сифатли ҳамда сертификатли маҳсулот етказиб беришни талаб қилишга ҳақли.

5.10. “Етказиб берувчи” “Харидор”га ёки унинг вакилига махсус принтердан ҳамда компютерга ўрнатилган махсус Дастурдан фойдаланишни ўргатилган тартибда ишлатмагани оқибатида “Харидор”нинг ишлаш жараёнида принтердан чиққан рентген плёнкалари сифатсиз чиқиши мумкин ва бунинг учун “Етказиб берувчи” жавобгар ҳисобланмайди.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчилик юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан, келишувга эришилмаганда эса, Тошкент туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари/табiiй офатлар, ҳарбий ҳаракатлар ёки Ҳукуматнинг тақиқловчи ҳужжатлари оқибатида содир бўлган тақдирда мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинадилар. Форс-мажор ҳолатлар яқунлангач тарафлар шартноманинг амал қилишини қайта кучга киритадилар.

7.2. Тарафлар шундай ҳолатлар юзага келганлиги тўғрисида улар келиб чиққан кундан бошлаб 3 кун ичида ёзма равишда бир бирларини хабардор қиладилар.

7.3. Форс-мажор ҳолатларнинг юзага келиши тегишли ваколатли органлар ёки ташкилотлар томонидан тасдиқланиши керак.

